

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 29-noyabr, shanba № 96 (15838)

## ТЕРМИЗ ШАҲРИГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги фармонида мувофиқ Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. 28 ноябрь куни Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрининг шонли тарихи, истиқлол йилларидаги тараққиёти, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари қўлга киритаётган улкан ютуқлар ҳақида тўхтади.

Бу замин халқининг юксак маданияти, хунармандлик ривож ва савдо алоқалари Жайхун бўйида қадим Термиз шаҳрини вужудга келтирган. Буюк ипак йўли марказида жойлашган шаҳар турли маданият ва халқларни ўзаро боғловчи муҳим кўрғон бўлган.

Истиқлол туфайли Термиз шаҳрининг шону шавкати тикланди, улкан маънавий ва иқтисодий салоҳияти юзага чиқди.

Юртбошимиз раҳнамолигида маънавиятимизни юксалтириш

борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аجدодларимизнинг номи қайта тикланди, улар мангу кўним топган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота ёдгорлик мажмуалари таъмирланди.

Янги бунёд этилган темир йўл бекати, Тадбиркорлар маркази биноси, Археология музейи, амфитеатр Термиз шаҳрининг чиройига чирой қўшди. Замоनावий “Бахт уйи” мажмуаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, “Дельфин” сузиш ҳавзаси, тиббиёт ва маданият масканлари, турар-жойлар вилоят маркази қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Аввало, бугун сиз, азиз Сурхон воҳаси вакиллари билан дийдор кўришиб, барчангизни соғ-саломат, бардам-бақувват кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг чуқур хурмат ва эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизлар билан қачон учрашмайлик, Сурхондарёнинг бугунги ҳаёти, аҳолининг ҳол-аҳволи, кайфияти, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш, вилоятнинг келажак ҳақидаги фикр-мулоҳазалар учрашувларнинг асосий мавзусини ташкил этиши ҳаммамизга маълум.

Бундай мулоқотларнинг маъно-мазмуни, авваламбор, вилоятни янада ривожлантириш, унинг ноёб ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона ва са-

марали фойдаланиш, шу юрда яшаётган 3 миллионга яқин аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан узвий боғлиқ эканини ҳам барчамиз яхши англаймиз.

Сурхондарё деганда, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири, буюк тарих ва бой меросга эга бўлган қадимий ва бетакрор ўлка кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Афсуски, дунёга қандай тенгсиз маданият дурдоналарини, не-не мумтоз зотларни берган бу замин мустабид тузум даврида собиқ Марказнинг бепишанд сиёсати, “Сизларга бўлаверади” деган қарашли туфайли узоқ йиллар давомида ривожланишдан ортда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё ҳам ўтган

қисқа даврда жуда катта, айтиш мумкинки, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги йилларда бу ерда ўнлаб замонавий корхоналар, магистрал йўл ва кўприклар, савдо ва маънавий хизмат объектлари, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, янги турар-жойлар, майдон ва хиёбонлар барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда нафақат вилоят маркази Термиз шаҳри, балки Денов бўладими, Шеробод, Музработ бўладими, бошқа туман марказлари ва қишлоқлар бўладими, барчасининг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, аввало, шу заминда яшаётган одамларга, унибўсиб келаётган ёш авлодимизга катта гурур ва ишонч бағишламоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

### Ўзбек Milliy akademik drama teatrlarining 100 yilligi

Пойтахтимизда 28 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

## МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТҮЙИ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеалардан бўлди. Ушбу ҳужжат театр жамоасининг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни эзгу қадриятлар, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топтириш, ёш истеъодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларининг ёрқин эътирофидир.

Шу қутлуғ санага бағишланган тадбирга вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, санъат ва маданият намоёндалари, ижодкор зиёлилар, талаба-ёшлар, мухлислар тақлиф этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Ҳурматли санъат аҳли! Авваламбор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан сиз, муҳтарам театр жамоаси ва мухлисларини, сизларнинг тимсолингида бутун маданий жамоатчилигимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, дунёдаги ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси аввало унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади.

Бугун биз мамлакатимиз тарихидаги унутилмас сана — нафақат юртимиз, балки Туркистон замини-

даги биринчи профессионал театрга асос солган Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг шу даврда босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришган ютуқ ва марралари кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир.

Эл-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлмиш ушбу театр фаолиятида, унинг саҳнасида намоён қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламыз.

(Давоми 2-саҳифада)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг маънавий оламини юксалтириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида камол топтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар тақдирлансин:

### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Набиев Асадилло Суванович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

### “ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

Юсупова Тути — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

(Давоми 2-саҳифада)



4

ЎЗБЕКИСТОН ОПЕРА САНЪАТИНИ ДУНЁ ТАН ОЛДИ!



6

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ



7

БОЛАЛАРИМИЗНИ МУТОЛААГА ЎРГАТАЙЛИК

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Бугун биз Миллий театримизнинг тамал тошини қўйган, бу йўлда қандай оғир синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўзлигидан, ўз маслагидан қайтмаган, “Театр — бу ибратхонадир” деган ҳикматга амал қилиб, маънавий жасорат намунасини кўрсатиб яшаган Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон сингари маърифатпарвар боболаримиз, саҳна санъати фидойиларининг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Мустабид тузум мафқурасининг таъйиқларига қарамаздан, гуманистик ғоялар, юксак ижодий принципларга содиқ қолган Маннон Уйғур, Етим Бобо-жонов, Олим Хўжаев, Абдор Хидоят, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Гани Аъзамов каби ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номларини миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу мўътабар саҳнада яратилган Абу

Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймолари минг-минглаб томошабинларга инсонийлик, адолат ва эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ бергани, уларни гўзаллик ва нафосат оламига ошно этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъати, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни шу боис бундан ўн уч йил муқаддам ушбу ижод даргоҳига Ўзбек Миллий академик драма театри деган юксак мақом берилгани унинг тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Юбилей муносабати билан академик

театр биноти тубдан капитал таъмирлангани, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлангани, Миллий театримиз бутунлай янгица қиёфа касб этиб, дунёдаги ривожланган давлатларнинг санъат масканлари билан беллаша оладиган даражага етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз санъаткорлар!

Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда сизлар яратган ва келгусида яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз театр саҳнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдирини деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қаҳрамон-

лари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни орзиқиб кутаётганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан ҳаққонийлик, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонманам.

Қадри дўстлар!

Барчангизни бугунги қутлуг байрам билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сихат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Мухлисларингиз, санъатсевар халқимизнинг меҳри ва эътибори сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*  
**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

**“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ”**  
**ОРДЕНИ БИЛАН**

**Икрамова Дилдорхан** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри  
**Масудов Фатхулло Хусанович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Абдувахабов Абдураим Абдуллахоневич** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Курбанов Бабанияз** — Ўзбек Миллий академик драма театри рассоми

**Цой Светлана Менгиновна** — Ўзбек Миллий академик драма театри рассоми

**“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН**  
**Арипджанов Махмуджон Окилжонвич** — Ўзбек Миллий академик драма театри ёритиш бўлими бошлиғи  
**Қиличов Миролим Хусниддинович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 27 ноябрь

**И.КАРИМОВ**

## ТЕРМИЗ ШАҲРИГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Бугунги кунда ҳам Термиз шаҳрида замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, инфратузилма объектлари, янги мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари бунёд этилиб, шаҳар янада гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган йирик sanoat корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Бу йил Сурхондарё аҳли учун яна бир унутилмас йил бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонида мувофиқ мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улғу аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси

давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Термиз шаҳри Ватанимизнинг бу юксак мукофоти билан тақдирланишида чуқур рамзий маъно бор. Термиз барча замоналарда ёв қаршисида метин кўрган ва-зифасини ўтаб келган. Бу заминда мард ва танги, Ватани учун жонини ҳам фидо этишга тайёр ориятли халқ яшайди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу юксак мукофот — Амир Темур орденини топширди.

Маросимда “Махалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Орзикул Соатов, Термиз шаҳридаги 4-иқтисослаштирилган мактаб-интернат директори Шоҳида Орипова, кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, Термиз шаҳрини Ватанимизнинг юксак ордени билан мукофотлагани, Сурхондарё вилояти ривожига қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**А.САМАДОВ,**  
**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

## МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТҶИИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига табригини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда театрлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юксак инсоний ғояларни тарғиб этувчи, замонамиз қаҳрамонлари образи яратилган мукамал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифани ижодкорлар зиммасига юкламоқда.

Президентимиз қарори ижроси бўйича капитал таъмирланган Ўзбек Миллий академик драма театри биноти санъат ихлосмандлари, театр фидойилари, кенг жамоатчилик учун ўзига хос тўхта бўлди.

Театр биносининг ташқи қисми, томоша залидаги ўриндиқлар, саҳна остидаги ҳаракатлантирувчи механизмлар тўлиқ янгиланди. Саҳнада махсус эффектли ёриткичлар, овоз кучайтириш ускуналари, томошабинларга янада қулайлик яратиш мақсадида залда иккита йирик монитор ўрнатилди. Кичик зал драматурглар, режиссёрлар билан ижодий учрашувлар, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари, уларнинг илк ижодий ишлари намойишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Театр музейи янги экспонатлар, саҳна санъати ривожига юксак ҳисса қўшган актёрлар, режиссёрлар, театр рассомлари, пардоз, грим ва декорация усталирининг портретлари, шахсий буюмлари, китоблар, қимматли фотосуратлар билан бойитилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 27 ноябрдаги «Ўзбек Миллий

академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида кўра ижодий жамоанинг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тadbирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Маросимда театр директори М.Исмоилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти М.Холиқова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист А.Набиев, «Дўстлик» ордени соҳиби, театр рассоми С.Цой ва бошқалар миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожини йўлидаги улкан эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбарининг театр юбилейи муносабати билан йўллаган табриги театр жамоасининг қалбини фахр-ифтихорга тўлдиргани таъкидланди.

— Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги буюк ўзгаришлар театр санъати ривожига ҳам асосий омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Тўти Юсупова. — Камтарона меҳнатим юксак кадр ва эъзоз тоғанидан ғоят мамнунман. Биз — санъаткорларга қаратаётган иззат-эҳтиром, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янги парвозлар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Бадиий кечада Миллий театрининг 100 йиллигига бағишлаб киноижодкорлар томонидан яратилган ҳужжатли фильм, вилоятлар ва пойтахтимиздаги театр жамоалари, санъат усталари иштирокида тайёрланган театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

\*\*\*

Шу куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мажмура анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, театршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, драматурглар, режиссёрлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини бажарувчи Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар кўламини кенгайтириб бораётганини таъкидлади.

Ўтган йиллар мобайнида Миллий театримизда саҳналаштирилган кўплаб асарлар халқимиз қалбидан жой олди.

Конференцияда драматургия ва театр репертуари, Миллий театр режиссураси истиқболлари каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида «Ўзбек Миллий академик драма театри» китоб-альбомининг тақдироти бўлиб ўтди. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган ушбу китоб-альбом ўқувчиларнинг театр тарихига оид билиминини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Назokat УСМОHOBA,**  
**ЎЗА мухбири**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг барпо этилгани фақат Сурхон воҳаси эмас, бутун мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, улкан, тарихий бир воқеа бўлди, десак, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган қурувчиларимиз, жумладан, сурхондарёлик бунёдкорларнинг маҳорати билан денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда ўнлаб кўприклар, йўл ўтказгичлар каби ўта мураккаб инженерлик иншоотларини барпо этишга, катта маблағ, куч ва имкониятни, юксак билим ва тажрибани талаб қиладиган шундай йирик ва ноёб лойиҳани амалга оширишга эришганимиз ҳар қандай одамни ҳам қўйил қолдириши мўқаррар.

Оғир иқлим шароитига қарамасдан, Сурхон воҳаси деҳқон ва фермерларнинг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг 10 фоизи, ғаланинг қарийб 8 фоизи мана шу савоатли замин ҳиссасига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятда жорий йилда 335 минг тоннадан зиёд пахта, 477 минг тонна ғалла етиштирилгани, сўзсиз, машаққатли ва мардона меҳнат натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча қишлоқ хўжалиги ходимларига фидокорона меҳнатлари учун ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рўхсат бергайсиз.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида Сурхондарёда ҳам ўнлаб янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, санъат ва спорт максадаларини, айниқса, Термиз давлат университетининг замонавий, мухташам биноси каби улкан иншоотларни бунёд этганимиз нафақат вилоят қиёфасини, айна вақтда, одамларимиз, фарзандларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган ҳақиқат ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Шулар қаторида Сурхон воҳасининг қадимий ва бетакрор маданияти, урф-одат ва анъаналарини, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан юксак эътироф этилган номоддий мероснинг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича қилган ишларимиз ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Бу борада Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Термиз давлат археология музейини бунёд этганимиз, “Алпомиш” достонининг 1000 йиллик тўйини, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини қандай баланд руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказганимиз барчамизга мамнуният етказди.

Термиз шаҳрида 2011 йили энг замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган мухташам “Сурхон” спорт мажмуасини воҳаниннг ўзига хос табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олиб барпо этганимиз шу юртда улғайиб, уни жонидан азиз кўрадиган, жисмоний ва маънавий камолотга интилиб яшаётган минг-минглаб ёшларимиз учун аҳамияти ва моҳиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган катта воқеа бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги кунда бу ерда “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, кураш бўйича жаҳон чемпионати каби йирик ва нуфузли беллашувлар мунтазам ўтказилмоқда, бу ноёб мажмуа қанчадан-қанча ёш спортчиларимиз учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен илгари ҳам айтган бир

фикрни яна такрорлашни жоиз деб биламан: нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда маълуму машҳур бўлган “Алпомиш”дек қадромонлик достонининг айнан Сурхон заминидан яратилгани асло тасодиф эмас.

Агар мендан, энг кучли, энг бақувват полвонлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмасдан, аввало Сурхондарёда, деб айтган бўлардим.

Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Хаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида “ҳалол” деган сўз энг олиий баҳо сифатида янграйди. Шахсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улуғ фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади.

Азиз дўстлар, чиндан ҳам Сурхон элининг лафзи ҳалол, меҳнати ҳалол эканини тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кўп-кўп мисоллар яққол тасдиқлайди. Бундай мард инсонларнинг табиатида сира фирромлик бўлмаган, чала иш бўлмаган.

Умуман айтганда, Сурхон заминидан вояга етган, унинг гурури ва ифтихорини улуғлаб, бу юртни бутун дунёга танитиб келаётган, Яратганимиз ато этган куч-қуввати, истеъдоди ва маҳорати билан узоқ ва яқин мамлакатларда шўҳрат қозонган спортчи ўғил-қизларимиз халқимизнинг хурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Шулар қаторида Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Санжар Тўхташев, Гўзал Эгамова, Сухроб Турсунов, Барно Мирзаева, Яхё Имомов, Раъно Абдухалимова, Шохиста Сафарова каби ўнлаб азму шижоатли ёшларимиз бугунги кунда ўзбек спортининг, ўзбек халқининг доврғини бутун дунёга таратаётгани барчамизни хурсанд қилади.

“Алпомиш” достонининг қутлуғ тўйида мен Сурхон воҳасининг кураги ерга тегмаган паҳлавонларига чин қалбдан хурматимни билдириб, машҳур Тоштемир полвонни бағримга босиб, даст кўтарганимни ҳозир ҳам катта завқ билан эслаб юраман.

Буларни барчасининг замирида фақат битта нарса, яъни самимийлик, бир-биримизни яқин қўриш, бир-биримизга хурмат ва эҳтиром мужассам, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилсиз.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Кейинги йилларда Сурхондарёда, унинг маркази Термиз шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, аввало, заҳматкаш Сурхон аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида янги-янги ўй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилаётгани натижасида шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганини барчамиз мамнуният билан эътироф этаемиз.

Буни сўнгги пайтда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 3 минг 772 та шинам уй-жойлар қурилгани, биргина Термиз шаҳрида маҳаллий шароитга ҳар томонлама мос бўлган, 1 минг 41 та квартирадан иборат 36 та замонавий кўпқаватли уйлар бунёд этилгани ҳам тасдиқлайди.

Айни вақтда шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ноёб манзарали дарахтларни танлаб экиш ва парвариш қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳисобидан бутун шаҳар яшил либосга бурканиб, барчанинг кўзини қувонтирадиган, ҳавасини тортадиган бетакрор қиёфа касб этгани жанубнинг жазирама қуёши остида яшайдиган одамларга қандай қулайлик туғдирганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Сурхон воҳасининг кўҳна тарихи, минг йиллар давомида шу заминда ётган ва бугун ўзбек олимлари билан бирга турли мамлакат-

лардан келган олимларнинг археологик қазिशмалари, илмий излашлари натижасида очилаётган ва илму фан оламини ҳайратда қолдираётган ноёб ашёлар, қадимий маданият ёдгорликлари бу тупроқ ўз бағрида хали қанча-қанча сирларни сақлаб келаётганидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, эрамыздан аввалги I минг йиллик ўрталарида Бақтриянинг биринчи подшоси Зороастр Термиз шаҳрига асос солган. Термиз дастлаб Тарамата деб аталган.

Шаҳарнинг ғоят қулай географик шароити, Шарқни Ғарб билан боғлайдиган савдо чорраҳасида жойлашгани унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Шу боис турли-турли босқинчилар Термизни қўлга олиш, унга эгалик қилишга доимо интилиб келган.

Эрамыздан аввалги 327 йилда Александр Македонский, яъни бизнинг тилимизда Искандар Зулқарнай шаҳарни босиб олиб, унга Александрия номини берган. Термиз қалъаси милоддан аввалги даврларда Юнон-Бақтрия давлати, Кушонлар империяси, милоддан кейинги V-VI асрларда Эфталитлар, Сосонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. VIII аср бошида эса бу ерни араблар забт этган.

Термиз тарихи ҳақида сўз юри тар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар унинг тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номи билан чамбарчас боғланиб кетганини эсга олишимиз табиийдир.

Термиз шаҳри Соҳибқирон бобомиз Турон заминидан барпо этган буюк ва қудратли давлатнинг мустақкам қўрғонига, салтанат таянчига айланган.

Бугунги кунда бу ерда яшаётган барча-барча инсонлар Сурхон тарихининг ана шундай шонли саҳифаларини гурури ва ифтихор билан эслайди.

Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуғ аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан ҳам, бу табаррук дийёрдан етиштиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтига ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган Адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон оламнинг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бу заминнинг уруш ва босқинлар туфайли неча бор вайрон бўлиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани ҳақида ҳам албатта кўп гапириш мумкин. Лекин барчамизга чексиз ифтихор етказадиган ҳақиқат шуки, бу ерни ўзига муқаддас макон деб билган жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бош эрмаган.

Буюк тарихчи аллома Шарафиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» китобида Термиз аҳлининг мўғул босқинчиларига матонат билан, қаҳрамонларча қаршилик кўрсатганини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мардлар шаҳри» деб атаганида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужасамдир.

Мустақиллик йилларида Термиз ҳар томонлама обод бўлиб, Ўзбекистонимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги бош истеҳкомига, мустақкам дарвозасига айланди.

Бугунги кунда Термиз шаҳри нафақат Сурхон воҳаси, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий, маданий ва коммуникация марказларидан бири десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни, дунёда нотинчлик ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини ҳаммангиз яхши биласиз. Айниқса, бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар — бу Афғонистонда 35 йилдан буён давом этаётган уруш экани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Афғонистон халқи билан неча-неча асрлардан буён ёнма-ён қўшни бўлиб, аҳил ва иноқ яшаганимиз. Қиз бериб, қиз олиб, қуда-андачилик қилиб келганмиз. Амударёнинг икки томонида туриб бир-биримизнинг ҳолимиздан доимо хабардор бўлиб турганмиз. Шунинг учун ҳам, афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра унга яқин бўлган бизнинг халқимиз ҳаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказди. “Кўшнинг тинч — сен тинч” деган нақл албатта бежиз айтилмаган.

Мен ўзимнинг жуда кўп чиқишларимда, жумладан, нуфузли халқаро минбарлардан туриб, жаҳон ҳамжамияти вакилларига мурожаат қилиб, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг имкони йўқ, деб очик айтганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Агар афғон халқининг ўзига қўйиб берса, шак-шубҳасиз, бу уруш ҳеч қачон бунча узоқ давом этмасди. Афғон халқи — кўпни кўрган халқ. Бу халқ ҳам биз каби доимо тинчлик ва омонликни, оиласини тинч меҳнат билан боқишни, болаларининг бахтини кўришни хоҳлайди.

Шундай экан, нима учун шунча вақтдан буён бу ерда уруш бормоқда? Бунга сабаб албатта кўп, лекин энг асосий сабаб — бу Афғонистонда урушни давом эттириш кимгадир керак. Бу урушни давом эттиришга уринаётганлар, биринчи навбатда, афғон халқининг манфаатини эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. Минг афсуски, дунёда мана шундай сиёсий ўйинлар тўхтамаяпти.

Афғон заминидан урушни давом эттириш тарафдори бўлган кучлар “Йиқилган курашга тўймас” деган мақолни ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим. Жафокаш афғон юртига турли кучлар келади-кетади, афғон халқи эса абадий қолади. Бу халқни зўравонлик билан бўйсундириб бўлмамлигини XIX асрдан бошлаб бугунги кунгача баъзи йирик давлатларнинг бу ерга қурол билан келиб, охир-оқибатда енгилиб кетгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Таассуфки, бугунги кунда фақат ҳарбий кучга таяниб сиёсат олиб бораётганлар бу ҳақиқатни тушунмаяпти.

Мана, яқинда Афғонистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Бу давлатнинг янги раҳбарлари иш бошлади. Лекин мамлакатдаги вазият эртага қайси томонга ўзгаради, деган савол, афсуски, ҳамон очиклигича, мавҳумлигича қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, “АЙСАФ” деб ном олган халқаро тинчликпарвар кучларнинг бу жафокаш заминда давом этаётган тўқнашувларни бартараф этишни охирига етказмасдан туриб ва қарама-қарши кучларни муросага келтирмасдан туриб, Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши бу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатишга олиб келиши гумон, деб ўйлайман.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистоннинг бу масала бўйича позициясини яна бир бор эслатиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Бу борадаги бизнинг ёндашувимиз, сиёсатимиз аниқ ва равшан: биз ён қўшнимиз бўлган Афғонистон давлатининг ички ишларига аралашмаслик, афғон халқи ишонч билдириб сайлаган ҳукумат билан ўзаро хурмат ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустақкамлаш, тинч-тотув бўлиб яшашни ўзимизга маъқул деб биламиз.

Тинчлик ҳақида, осойишталик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз ишончини жанубий чегараларимизда Ватаниннг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мардларига қаратади.

Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мустақкам қўрғон бўлиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқдасиз, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бундай юксак ишонч сўзларини давом эттириб, шу тупроқда, шу заминда хоклари ётган улуғ аждодларимизнинг хотираси олдида, мана шундай буюк ўтмишнинг воқисалари бўлмиш халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли юртдошлар! Энди руҳсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун берилган Амир Темур орденини катта мамнуният билан Термиз шаҳрига топширишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар! Термиз шаҳрининг мана шундай юксак давлат мукофотига сазовор бўлишида сиз азизларнинг, шу гўзал юртга фарзандлик меҳри ва садоқатини бериб яшаётган, ўз тақдири ва келажagini ўз қўли, фидокорона меҳнати билан яратаётган эзгу нияти, олижаноб барча инсонларнинг ҳиссаси ва хизмати беқийёсдир, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугун нафақат Термиз аҳли учун, айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистонимиз учун катта байрам. Қадимий ва навқирон Термиз шаҳри ҳаётидаги бу қутлуғ кун, ҳеч шубҳасиз, унутилмас бир воқеа бўлиб тарихда қолади ва барчамизни янги-янги ўфқларга давъат этади.

Мамлакатимизнинг барча навқирон ёшлари қаторида сурхондарёлик ўғил-қизларимизга — менинг болаларимга айтадиган давъатим шуки, сизлар бугун Амир Темур орденига сазовор бўлган шаҳарлар сафига қўшилган Термиздек ўтмиши буюк, келажаги шарафли шаҳарда, қандай ноёб, Худонинг назари тушган муқаддас заминда яшаётганиннгиз асло унутманг, ота-болаларимизнинг шаъну шавкатига доимо муносиб бўлинг.

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, азиз фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, сиз бошлаган буюк ишларни давом эттиради, барча соҳаларда энг юксак марраларни албатта забт этади, деб катта ишонч ва гурури билан айтмоқчиман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда сизларни, бутун Сурхон аҳлини давлатимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор табриклар, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва кут-барака тилайман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш Термиз шаҳри дунё тургунча турсин!

Термиздек буюк шаҳарларни бунёд этган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

# Ўзбекистон опера санъатини дунё тан олди!

27 ноябр. «Туркистон» саройининг катта залида байрамона кайфият, кўтаринки руҳ. Саҳна классик операнинг дебахр гўзаллигидан сўзлаётгандек майин ва муҳташам безатилган. Юртимиз меҳмонлари, иштирокчиларни кўлаб-кўватлаётганлар шу билан бирга санъат мухлислари ҳам бирдек хаяжонда. Ахир, бугун, тўрт кун мобайнида барча босқичлардан ўтиб, рақибларини ортда қолдирган энг қобилиятли йигирма нафар ёш опера ижрочисининг жаҳон сахнасида нафақат ўз номи, балки Ватани шаврини ҳам кўкларга кўтарини учун бор маҳоратини намоён этиши керак бўлган кун — «Competizione dell'Opera» XIV халқаро опера танловининг финал босқичи.

Олтимиш беш иштирокчидан энг сара деб топилган йигирма нафар операчининг тайёргарлик жараёнларига қизиқиб, саҳна ортига мўраладик. Бурчақда ўзбек, рус, турк ҳамда беларус операчиларининг қизгин суҳбатининг устидан чикдик. Улар ўзаро дўстона суҳбатлашар, бир-бирига маслаҳат берар, омад тилар эди. Шу лаҳзаларда биз учун ушбу халқаро тадбирнинг асл моҳияти ҳам очилгандек бўлди — санъат барча халқларни боғловчи ришта. Тадбирда таъкидланганидек, унда ким ютишдан қатъий назар, халқаро дўстона маданий кўприк қуришда санъатнинг ўрнига ҳеч нарса тенг кела олмайди.

Финал босқичи очиқ деб эълон қилинган туфайли залга қайтдик. Тадбирнинг аҳамият ва савиясини эса битта ҳам бўш қолмаган ўриндиқлар кўрсатар эди. Тадбирни 2-тур босқичига етиб келган 35 нафар иштирок-

чининг ичидан танлаган финалчи, россиялик Роман Люлькин бошлаб берди. Финал босқичини Константин Сучков (Россия), Пятроу Павел (Беларус), Картал Карагедик (Туркия), Карина Руба (Германия), Регина Риэл (Австрия), Растислав Лалински (Словакия), Кие Каназава (Япония), Хайтер Мелинда (Венгрия), Анита Жировска (Чехия)лар давом эттирди. Барчасидан-да хаяжонга солгани беш нафар ватандошимиз — Дамир Раҳмонов, Фулом Назиров, Рустам Алимардонов, Жаброил Идрисов, Барно Исмагуллаева каби иқтидорли ёш операчиларимизнинг финал босқичига етиб келгани бўлди.

Бир-биридан ажойиб ижролар, қатнашчиларнинг нафақат гўзал овоз ди-апазони эгаси, балки драматик актёрлик маҳоратини ҳам намоён этиши барчани операнинг улкан уммонига олиб кирди гўё. XX асргача яратилган



«Травиата», «Мадам батерфля», «Тоска», «Макбет», «Фигаро», «Капулетти ва Монтеки» каби жаҳоннинг нодир классик асарларидан ижро этилган ариялар гоҳ мухлисларнинг кўзига ёш қалқиб, гоҳ юзига табассум югуришига сабаб бўлгани гапимизнинг яққол исботидир.

Ижрочиларнинг чиқишлари ҳам ниҳоясига етди. Энди энг хаяжонлиси, бизга қолса-ку, бундай истеъдод эгаларининг барчасини голиб деган бўлар эдик, ҳакамлар қандай баҳолар экан?! Бир соатдан ошиқ муҳокамадан сўнг, саҳнага ҳакамлар ҳайъати ва финал иштирокчилари тақлиф этилди.

Германиялик профессор, «Competizione dell'Opera» танлови бадий раҳбари, директор ва режиссёри Ганс Иоахим Фрей ҳакамлар номидан хаяжон билан сўз бошлади:

— Бу йилги танлов шу пайтгача бўлиб ўтганлари орасида энг юқори савияда ўтказилгани бўлди, десам янглишмайман. Голибни аниқлаш биз, ҳакамлар учун жуда қийин кечди. Ҳакамлар одатда йигирма дақиқада қабул қиладиган қарор учун бу гал бир соатдан ортиқ вақт сарфлаганимиз

сўзимнинг исботидир. Деярли ҳар бир иштирокчи ноёб қобилият эгаси, улар орасида, албатта, ўзбекистонлик ёшларни, алоҳида эътироф этмай бўлмайди. Бугун яна бир бор шундай нуфузли танловнинг муносиби ўлкада муносиб тарзда ўтказилаётганига ишончимиз комил бўлди.

Кутилган дақиқалар етиб келди. Танлов якунларига кўра, учинчи ўрин ҳамюртимиз Жаброил Идрисов ва россиялик Мария Боянкинага насиб этди!

Иккинчи ўринга беларуслик Павел Петров сазовор бўлди!

Ва, ниҳоят, биринчи ўринга ҳамюртимиз Барно Исмагуллаева лойиқ топилди! Ўзбек опера хонадаси жаҳонда тенги йўқ деб топилди, олий мукофот совриндорига айланди! Ўзбек опера санъатини дунё тан олди!

Тадбир сўнгига ҳамюртларимиз Рустам Алимардонов, Жаброил Идрисов, россиялик Мария Боянкина ва туркиялик Картал Карагедик махсус совғалар билан тақдирланди.

**Парвина ОМОНОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Рустам Назарматов олган суратлар



Дарҳақиқат, бугун юртимизда опера санъатига қаратилаётган эътибор бутун дунё эътирофида. 1996 йилдан бери ўтказилиб келинаётган ушбу нуфузли танловнинг ярим финал босқичига ўн беш мамлакат — Германия, Италия, Россия, Австрия, Молдова, Қозоғистон, Туркия, ЖАР, Япония, Полша, Словакия, Озарбойжон, Буюк Британия, Чехия, Хитойдан йўлланма олган 33 иштирокчи қаторида Ўзбекистондан 32 нафар ёш операчимизнинг қатнашгани фикримизни исботлаб турибди.

«Competizione dell'Opera» халқаро танлови сўнгги 14 йил ичида дунёдаги вокал ижро бўйича танловлар орасида энг йирикларидан бирига айланиб улгурди. Ушбу танлов италян операчининг барча гўзалликларини акс эттирадиган, қадимий классик ноталарнинг кенг репертуаридан ташкил топган ягона танлов. У дунё санъатининг энг буюк намуналарини кенг оммага намоён этиш, халқлар орасида дўстлик кўприги бўлиб хизмат қилиш вазифасини ўтайди. Ана шундай халқаро аҳамиятга эга бўлган танловнинг Ўзбекистонда ўтказилиши эса, мамлакатимиз маданий ҳаётида ёрқин воқеа бўлди. Шубҳасиз, Шарқ ва Ғарб дўстона алоқаларининг барқарорлашувида ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Шу билан бирга, танлов Ўзбекистон ёшлари, шунингдек, опера мухлислари учун Италия опера санъати, мамлакатимиз ва дунё ёш операчилари билан танишиш имконини берди. Танловнинг Тошкентда ўтказилиши эса, пойтахтимиз нафақат Ўрта Осиё, балки Шарқ мамлакатлари маданияти марказларидан бири эканини исботлайди.

**Маурицио Чампи (Италия),**  
**халқаро Беллини фестивалининг бош**  
**директори, профессор, дирижёр, компо-**  
**зитор, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:**

— Мен Ўзбекистоннинг опера соҳасида катта истиқболга эга эканига ишонаман. Ёш ўзбек операчилари танловида учинчи ва биринчи ўринни эгаллагани гапимизнинг далили эмасми?! Барно Исмагуллаеванинг ижроси мени чиңдан ҳам лол қолдирди. У мусиқани ҳис қила олади, опера фақат оғизни очишдан иборат эмаслигини, унинг яратаётган арияси ҳиссиётни жунбушга келтириши кераклигини тушунади.



**Антон Лубченко (Россия),**  
**Приморе опера ва балет театри бадий**  
**раҳбари, бош директори, дирижёри:**

— Бу йилги «Competizione dell'Opera» XIV халқаро танлови жуда юксак савияда ўтказилди. У ўтган йили Германияда ўтказилган танловдан қизгинлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон истеъдодли ёшларга бой мамлакат эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Истардимки, давлатларимиз ўртасида дўстона маданий кўприк янада мустаҳкам бўлса.

**«Competizione dell'Opera» ҳакамлари юртимизга катта қизиқиш билдирди.**

**Опера ҳафталиги давомида ўзбек вокал ижрочилари учун дунёнинг энг тажрибали опера усталари томонидан махсус мастер класслар ташкил этилди. Хусусан, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида Санкт-Петербург давлат консерваторияси профессори, композитор Грайр Ханедян томонидан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Маурицио Чампи томонидан, Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида Бадалбей Фарҳад томонидан мастер класслар ўтказилди.**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Competizione dell'Opera» ижрочилари ҳамда ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуман олдидан меҳмонлар Миллий кутубхонамиз, ундаги шароит, мусиқа бурчаги, санъатга оид китоблар билан яқиндан танишди.**

**Бугун жаҳон опера юлдузлари иштирокида гала-концерт ўтказилади.**

# Конституция Ва халқ тақдир

Мулоҳазаларимизни бир муҳим ижтимоий-сиёсий фактга эътибор қаратиш билан бошламоқчимиз. У ҳам бўлса, Юртбошимизнинг мамлакат ва миллат ҳаётидаги энг жиддий масалалар, йирик саналарга бағишланган йиғинлардаги сингари Конституция байрамига бағишланган тантанада шахсан иштирок этиши ва концептуал мазмундаги маъруза қилиши билан боғлиқ мулоҳазадир.

Гап шундаки, мамлакат Конституцияси Асосий қонун сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, тақдир, келажаги билан бевосита боғлиқ ўта муҳим ҳужжат саналади. Бошқа ҳар қандай қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, амалга ошириладиган ички ва ташқи сиёсат, олиб бориладиган ислохотлар мана шу ҳужжат мақсад-муддаоси, руҳига мос бўлиши, фақат ва фақат шу ҳужжатда белгилаб қўйилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор. Бошқача айтганда, Конституция шундай кенг қамровли ҳужжат — халқ тақдирига оид дастурки, унда дунёда ягона Ўзбекистон Республикаси деган давлат ва унинг халқи ҳаётининг истисносиз барча қирралари умумий яхлитликда қамраб олинган.

Масалан, Президентимизнинг 2013 йил 6 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида сўзлаган маърузаси мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, кўрамизки, мазкур маъруза ҳам ўзининг бутун моҳияти билан Конституцияда белгиланган мақсадларни, норма ва қоидаларнинг ҳаётдаги таъбиқига, яқинига етаётган йил давомида шу йўналишда амалга оширилган энг муҳим ва салмоқли ишлар тахлилига бағишланди. Унда бугунги кунда бутун дунё афкор оммаси томонидан эътироф этиладиган тараққиётнинг «ўзбек модели» ҳар жиҳатдан ўзини оқлагани, шу юрт тараққиёти учун асос бўлгани уқтирилди. Жумладан, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли энг тўғри, оқилона ечим бўлганини айтган экан, Юртбошимиз қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

«Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён».

Хўш, Ўзбекистон мана шу «аянчли оқибатлар»ни қандай четлаб ўтди, сунъий, «импорт қилинган» сохта демократия эмас, чинакам халқона демократик йўлга қачондан асос солинди, деган саволлар туғилиши табиий. Қолаверса, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг тамал тоши қачондан қўйила бошлаганини англаш ва англаштириш бугунги замондошимиз, айниқса, истиқлол йиллари туғилиб вояга етган фарзандларимиз учун ниҳоятда зарур, деб ўйлаймиз.

Бу саволларга эса энг ишончли, аниқ ва ҳужжатли жавобларни Юртбошимизнинг 2011 йилда чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остона-

сида» китобидан топамиз.

Мазкур китобга жамланган ноёб тарихий материалларнинг деярли ҳар биридан бугун 23 йиллиги нишонланаётган ҳуқуқий Қомусимиз нормаларининг дастлабки куртакларини илғаш, улар тўғрисида батафсил мулоҳазалар юритиш мумкинки, бу келгусидаги тадқиқотлар давомида албатта амалга оширилади. Зеро, бу китобда ҳар жиҳатдан таназзулга учраган шўро сиёсий-ҳуқуқий тизими, иқтисодиёти, мафкуравий ақидаларининг моҳияти очиб берилиши баробарида, ундан халос бўлишнинг самарали йўллари кўрсатилган бўлса, Юртбошимиз раҳбарлигида битилган Конституциямизда амалда мулақо янгидан яратилажак, ҳеч қанча вақт ўтмай, жаҳон давлатчилик тажрибасидан «Ўзбек модели» сифатида муносиб ўрин эгаллайдиган тараққиёт усулининг мустақам ҳуқуқий асослари ўрич олгандир.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мутолааси давомида юртимизда истиқлол арафасида юзага келган ўта мураккаб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-руҳий ва криминалогик вазият кўз олдимиздан бир-бир ўтади. Буюк ишларнинг салмоғи ва аҳамияти вақт ўтиши билан теранроқ англашилиши ҳам бор гап. Дарҳақиқат, ўша даврда Юртбошимиз томонидан кўтарилган, ҳал қилинган масалалар кўлами ва аҳамияти тўла даражада англаб етилмаган эди. Бугун эса улар мамлакат ва халқ тақдирини ҳал қилувчи роль ўйнагани, тарих филдирагини бутунлай янги, биз тўла тасаввур ҳам қилмаган нурли йўлга — истиқлол, озодлик, инсон қадрланадиган, унинг ҳуқуқлари мустақам ҳимоя қилинадиган манзил томон бурилишига асосий омил бўлганига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Китоб жуда кенг қамровли бўлиб, мўъжаз мақолада унинг барча жиҳатларига тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ, албатта. Шу туфайли биз мазкур китобдан жой олган биргина манабу мисолида мавзунини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов юртимизнинг биринчи Президенти сифатидаги илк нутқини сўзлаган эди. Мазкур нутқда СССР ҳудудидаги республикалар ичида биринчи бўлиб айнан Ўзбекистонда давлат бошқарувининг Президентлик институти жорий этилиши тўлиқ асослаб берилгач, Юртбошимиз «Президент сифатида ўзимнинг асосий вазифаларимни нима-лардан иборат деб биламан?»

деган саволни қўяди ва бу саволга аниқ жавобларини ҳам баён этади.

Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустақил тараққиёт йўли самараларидан хабардор бўлган ҳар бир киши ўша нутқда илгари сурилган ғоялар тарихан қисқа давр ичида тўла-тўқис, балки ортиғи билан ҳаётга жорий қилинганини ич-ичидан эътироф этиши табиийдир. Келинг, Ислом Каримов Президент сифатида ўз олдига қўйган вазифалар ҳамда уларнинг амалдаги ижроси орасидаги мантқиқийлик ва изчилликни холис кузатайлик.

Юқорида эслатилган саволга биринчи жавобни нутқдан ўқиймиз:

«Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустақамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш». Бу вазифа муваффақиятли уйдаланганининг муҳим шартларини ҳам Ислом Каримов ўз нутқини дадил ўртага қўяди. Жумладан, «Президент сифатида мен республикамиз ўзига тегишли масалаларнинг барчасини ўзи мустақил ҳал қилиши керак, деб ўйлайман», — дейди.

Энди Конституциямизнинг «Асосий принциплар» деб номланган биринчи бўлим, 1-бобидан ўрин олган 3-моддасини ўқиймиз:

«Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳуқуқий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир».

Шу сингари ўтган йиллар давомида сиёсий мустақилликнинг бу ва нутқда илгари сурилган бошқа барча имкониятлари тўла қўлга киритилди. Мамлакатимиз ҳар жиҳатдан суверен, мустақил сиёсий субъект сифатида бутун жаҳонда тўла тан олинди. Ўзбекистон Президенти эса янги дунёнинг прагматик ислохотчиси, ҳали инсоният ижтимоий-сиёсий тараққиёти тарихида кузатилмаган — тоталитар бошқарувга бўйсунган социалистик тузумдан бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик жамиятга кескин ларзаларсиз ўтишнинг самарали йўлини кашф этган сиёсий етакчи сифатида эътироф этилди.

Яна 23 йил аввал сўзланган нутққа юзланамиз. Унда Ўзбекистон раҳбари «Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир», — дея ўша давр учун бе ниҳоя оғир вазифани ҳам ўз зиммасига олади.

Айни ғоялар илгари сурилганидан бор-йўғи икки ярим йил ўтгач, мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг Бош Қомуси IX ва XII бобларида нафақат республиканинг, балки барча фуқароларнинг ҳам иқтисодий эркинликларига ҳуқуқий кафолатни муҳрлаб қўйди.

Қолаверса, истиқлол йилла-

рида эришилган муваффақиятлар шуни исботламоқдаки, Ўзбекистон нафақат тўла иқтисодий мустақилликка эришди, балки 2008 йилда бутун дунёда бошланган жиддий иқтисодий бўҳронлар хуружга ҳам бемалол дош берадиган мустақам иқтисодий тизимини, ички ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг самарали механизминини ярата олди. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда эълон қилган «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, истиқлол йиллари Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ҳам кам экани, давлат бюджети муттасил профицит билан бажарилаётгани Ўзбекистон раҳбарининг 1990 йилда қилган мўлжаллари нақадар аниқ бўлганини исботлайди.

Ўзбекистон Президенти ўзининг шу лавозимдаги илк нутқидаёқ «Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт», — деган гуманистик ғояни баралла илгари суради ва ўзининг бутун фаолияти, диққат-эътиборини айни шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратади. Мустақил мамлакатимизда ижтимоий соҳанинг барча тармоқларида амалга оширилган улкан ишлар, қўлга киритилган ютуқларни фақат санаб чиқишнинг ўзига ҳам соатлаб вақт талаб этилишини инобатга олиб, биз бу ўринда энг сўнгги халқаро эътирофни эсга олиш билан чекланамиз. Мазкур эътирофга кўра, бугунги Ўзбекистон аёллар — муҳтарам хотин-қизларимиз, дилбар қизларимиз ҳаётини фаровонлаштириш бўйича эришган муваффақиятлари билан бугун жаҳоннинг энг илғор ўнта давлати сафидан ўрин олган.

Шўролар давлатининг сўнгги талвасалари пайти авж олган хунрезликлар, бошбошдоқликларга қатъий чек қўйиш борасида Юртбошимиз 1990 йилда айтган: «Одамларнинг ҳаётига, пешона тери билан топган мол-мулкига чангал солаётган имонсиз кимсаларга қарши мен Президент сифатида халқнинг иродасига таяниб, аёвсиз чоралар кўраман. Қонунчилик барқарор бўлиши учун менга берилган ҳокимиятнинг барча имкониятларини ишга соламан», — деган азму қарори қанчалар самара бергани ҳуқуқшунос мутахассисларимиз томонидан кўплаб ҳаётий далиллар асосида кўрсатиб берилмоқда. Бинобарин, Конституциямизнинг қатор моддаларида фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ҳамда унинг тегишли органлари томонидан ишончли ҳимоя

қилиниши кафолатланган, бу кафолат реал ҳаётда амалий ифодасини топмоқда ҳам.

Энг муҳими, эришилган бу натижалар, айрим давлатларда бўлгани сингари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг шафқатсизлиги, жазоларнинг ўта қаттиқлиги, судларнинг репрессив хусусияти сингари омиллар ҳисобига эмас, балки учинчи ҳокимиятнинг мустақиллиги тўла таъминланиши, унинг шўро давридаги қатағон қуроли ва жазолаш машинасидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган институтга айлантирилиши эвазига қўлга киритилди.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари қатъий риоя этиш демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг, жамиятнинг қай даражада ривожлангани, инсонпарварлашганини кўрсатувчи ўзига хос мезондир. Шу олий, эзгу ниятларни қалбига жо этган Президентимиз Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида «Республикамизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ва кадр-қимматини ҳар қандай тажовуздан, у қаерда ва ким томонидан қилинишидан қатъи назар, қаттиқ туриб ҳимоя қилишга сўз бераман», — деган эди. Ўша лаҳзадан эътиборан юртимизда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси муаммосига устувор масала сифатида қаралапти. Бу принцип Асосий Қонунимизнинг бош тамойили, давлатимиз ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ва маънавий тизимининг муҳим йўналиши ва пировард мақсадига айланган.

Юртбошимиз 1990 йилда Президент олдида турган вазифалар ичида қуйидаги долзарб масалани ҳам кўтарган эди: «Президент фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилдир».

Назаримизда, нафақат собиқ шўро республикаларида, балки жаҳоннинг бирор мамлакатиде бу ўта муҳим, «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таъкидланганидек, «чинакам ҳаёт-мамонт масаласи»га Ўзбекистондагидек диққат-эътиборни топиш амри маҳол. Айни шу эътибор, миллий ўзлиқни, маънавиятни тиклаш ва англаш, тарихий хотирани уйғотиш орқали миллий ғурурни юксалтириш, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари йўлида олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар, аслида, миллатнинг миллат, халқнинг халқ бўлиб қайта уйғонишига олиб келди. Бу тарихий уйғонишда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида яратилган ва бугунги фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлаётган Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

**Г.НОСИРХОДЖАЕВА,  
ТДЮУ «Ижтимоий-гуманитар фанлар»  
кафедраси мудири,  
фалсафа фанлари  
номзоди, доцент**

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЁШЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган қуйидаги ёшлар “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирлансинлар:**

**Абдиримов Бекзод Муратбаевич** — Урганч давлат университети “Тарих” кафедраси ўқитувчиси, “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси

**Авезова Ирода Рустамовна** — “Камолот” ЁИХ Когон туман Кенгаши раиси

**Адилчаев Бахадир Полатович** — Кегейли тумани “Худияр Ахун” фермер хўжалиги раҳбари

**Аминов Кудрат Абдираулович** — Мудофаа вазирлиги 51281-сонли ҳарбий қисм разведка взводи командири

**Асанова Ленара Таировна**

— Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Ахмедова Назокат Нигмаджон қизи** — Тошкент давлат педагогика университети 1-босқич магистранти

**Баёнов Маъмур Хамроқулович** — “Камолот” ЁИХ Марказий Кенгаши аппарати Матбуот хизмати раҳбари

**Бахромова Илхом Исмоил ўғли** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

**Данияров Абатбай Сапарбаевич** — “Камолот” ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбо-

сари — “Камалак” болалар ташкилоти раиси

**Джурраев Баходир Нарзуллаевич** Навоий шаҳри 16-мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

**Жаназаров Сардорбек Эркинович** “Ўзавтосаноат” АК технологиялар, техник сиёсат ва маҳаллийлаштириш бошқармаси бош мутахассиси

**Зиядинов Руслан Нуриевич** — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси А-320 ҳаво кемаси командири

**Имамова Нигина Аскарровна** — “Молодёжь Узбекистана” газетаси муҳбири

**Исмоилов Файзулла Хикматович** — ИИБ транспортдаги ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Камолова Дилнавоз Ихтиёровна** — Навоий давлат педагогика институти “Умумий физика” кафедраси ўқитувчиси

**Касимов Бахадирджан Валиджанович** — Тошкент

шаҳар ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари

**Маллаев Махсуд Мухаммадиевич** — Тошкент тиббиёт академияси “Онкология ва нур ташхиси” кафедраси ассистенти

**Меликузиев Бектемир Рўзматжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

**Пайзиева Чарос Алишер қизи** — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Миниатюра ва китоб” кафедраси ўқитувчиси

**Раҳматов Элёр Жумабоевич** — Тошкент давлат юридик университети “Молия, банк ва солиқ ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

**Сайдиқаримов Жамшид Ғофур ўғли** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси

**Саримсакова Дилафруз Мухаммаджоновна** — Наманган давлат университети

ти “Инглиз тили ва лексика-стилистика” кафедраси ўқитувчиси

**Уласенова Райхон Арижановна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси ўқитувчиси

**Уринбаев Камолитдин Турдимуратович** — Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театри дирижёри

**Фазлиев Суннатилло Алойитдинович** — Тошкент фармацевтика институти 1-босқич талабаси

**Эгамов Бехзодбек Юлдашалиевич** — Тошкент тиббиёт академияси 2-босқич магистранти

**Эргашова Гузалхон Хамдамбек қизи** — Ўзбекистон Миллий университети 1-босқич магистранти

**Якубов Аскаралӣ Асадуллаевич** — Халқаро “Комбат Айкидо” ассоциацияси Сурхондарё вилоят бўлими раиси

2014 йил 28 ноябрь,  
Тошкент шаҳри

### Халқаро конференция

## Кон-металлургия соҳасида инновацион тараққиёт

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида «Кон-металлургия тармоғи муаммолари ва инновацион ривожлантириш йўллари» мавзuida халқаро илмий-техник анжуман бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Тошкент давлат техника университети, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзбекўмир» очик акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси, «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда кон-металлургия тармоғини ривожлантириш, ерости бойликларидан оқилона фойдаланиш, металлургия ишлаб чиқариш ва минерал хомашёни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, кон-металлургия ишлаб чиқариш соҳасини автоматлаштириш муаммолари хусусида сўз борди.

Илмий техник-анжуманда Словакия, Вьетнам, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан келган олим ва мутахассислар, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё технология институти, Навоий давлат кончилик институтининг профессор-ўқитувчилари ва магистрлар иштирок этди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон фанлар академи-

яси академиги, Россия Федерацияси кончилик фанлари академияси академиги Ваҳоб Раҳимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

— Ваҳоб Раҳимов кончилик илмининг етук мутахассисларидан бири бўлиб, Ўзбекистон ва Марказий Осиё учун муҳандис-маркшейдерлар тайёрлашнинг ташкилотчиси, кончилик-маркшейдерлик иши соҳаси илмий мактабининг асосчиларидан бири эди, — дейди Сатпаев номидаги Қозоғистон миллий техника университети профессор, техника фанлари доктори Маржан Нурпеисова. — Унинг илк бор илмий асосда электр энергиясини ишлаб чиқаришда, қисман газни тежаш эвазига кўмир улушини ошириш гоёси кўпчиликка маъқул бўлган ва қатор давлатларда амалиётга татбиқ этилган.

Ҳозирги кунда кончилик илмий мак-

табида етишиб чиққан ёш олимлар республикамизнинг турли олий ўқув юрталари ва ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқотларини давом эттирмоқда. Ваҳоб Раҳимовнинг ўн иккита илмий монография, ўнта дарслик ва ўқув қўлланмалари, 450дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Унинг раҳбарлигида 39та диссертация, жумладан, тўртта докторлик диссертацияси ёқланган.

Ялпи мажлисдан сўнг анжуман иши тўртта шўъбада давом этди. Унда мутахассислар томонидан долзарб масалаларда икки юздан ортиқ маъруза ўқилди.

— Бугунги кунда кончилик соҳасидаги долзарб масалалардан бири ерости бойликларининг сифатсизланишига йўл қўймасдан қазиб олишдир. Мазкур конференцияда «Хонжиза полиметалл кон шароитида фойдали қазилманинг сифатсизланиш ва нобуд-

гарчилик меъёрларини ишлаб чиқиш» мавзuidaги маърузам билан қатнашдим, — дейди Тошкент давлат техника университети иккинчи босқич магистранти Ғайрат Бакиров. — Бундай нуфузли халқаро анжуманларнинг ўтказилиши биз, ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Чунки бу ерга дунёнинг турли давлатларидан соҳа мутахассислари ташриф буюрди. Уларнинг чиқишлари орқали кон-металлургия соҳасидаги кўплаб янги маълумотларга эга бўлдик.

Уч кун давом этган конференцияда иштирокчилар Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти корхоналари бўйлаб экскурсияда бўлди. Навоий кон-металлургия комбинатида тегишли «Горняк» пансионатида ташриф буюрди.

— Ишлаб чиқаришдаги асосий талаблардан бири олинаётган маҳсулотнинг иқтисодий самараси, сифати, шунингдек, унинг экологияга салбий таъсирини камайтиришга алоҳида аҳамият қаратилади, — дейди Тошкент давлат техника университети доценти, техника фанлари номзоди, «Машинасозлик технологияси» кафедраси мудири Нодир Тўраҳўжаев. — Айниқса, металлургия, кўмир қазиб олиш соҳасида экологияга иссиқлик, зарарли газлар чиқиши кузатилади. Бундай ҳавони ифлослантирадиган чиқиндиларни камайтириш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кон-металлургия йўналишидаги халқаро анжуманнинг асосий мақсади ҳам жамоатчиликни юртимизда шу соҳада эришилган ютуқлар билан таништириш ва чет эллик мутахассислар билан тажриба алмашишга қаратилган.

Халқаро илмий-техник анжуман натижасида илмий мақолалар тўплами нашр этилди. Бу тўплам геология, кончилик ва металлургия соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган ўқитувчи ва талабалар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

## Ma'rifat

# БОЛАЛАРИМИЗНИ МУТОЛААГА ЎРГАТАЙЛИК

Тўрт-беш яшар болаларни кузатиб, хатти-ҳаракатидан, бир-бири билан мулоқотидан ҳайратга тушамиз. Қизиғи шуки, кўрган ҳар бир нарсага уларнинг ўз муносабати бўлади ва буни қай усулдадир албатта билдиради. Масалан, катталардан кимдир овозини баландлатса, ичида «бу ёмон одам», кимдир уларни мақтаса, «яхши одам» дея ўзича баҳолайди. Шу тариқа мурғак қалбда оламга нисбатан муносабат, қараш шаклланади. Оилада ота-она, ака, опа, ташқарида кўни-кўшни, маҳалладошларга қараб, тақлид қилади. Уйда бўладиган ҳар қандай суҳбат, оддий кундалик сўзлашувлар ҳам бола руҳиятида чуқур из қолдириб, унинг тарбиясида катта роль ўйнайди. Айнан мана шу давр уни китоблар дунёси билан таништириш, бу бебаҳо мўъжизага ошно қилишнинг энг мақбул палласидир.



Мен амалиётда кўп дуч келадиган бир ҳолатга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Айрим ота-оналар фарзандининг ўқишга қизиқмаётгани, китобдан кўра мобил телефонда ўйин ўйнашни афзал кўраётгани,

ни, бунга қанча қаршилик қилса ҳам, натижага эришолмаётганидан нолийди. Сиз ўқитувчисиз, тушунтиринг, боламнинг аъло

*Муталаа асносида бола эртақдаги қаҳрамонлардек жасур, кучли, эпчил бўлишга, эзгу ишлар қилишга интилади.*

*Одобли, хушфёъл, меҳнаткаш бўлиб улғаяди.*

*Бола ёши улғайгани сари дунёқараши ҳам кенгайиб боради. Фикри теранлашган сайин, у энди эртақ, афсоналар оламидан чиқиб, йирик эпик асарларга эҳтиёж сеза бошлайди.*

ўқишини, катта одам бўлишини хоҳлайман, дейди. Бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, ота-она

томонидан ўқишга, таълим олишга рағбат бўлмаса, оилада интеллектуал муҳит ҳукм сурмаса, тузукроқ натижага эришиш гумондир. Баъзиларнинг онгига, болам мактабга боряпти, энди ҳамма нарсани ўзи ўрганиб олади, деган қараш сингиб кетган. Бу нотўғри фикр.

Ўттиз йилдан буён мактабда дарс бераман. Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида уларни 1-синфданок китоб билан дўстлаштиришга ҳаракат қиламан. Бунда синф кутубхонасини ташкил қилиш яхши натижа беради. Дарсдан ташқари соатларда ўқувчиларга китоблардан эртақ, шеър, ҳикоя ўқиб ёки сўзлаб берилса, уларнинг китобга меҳри янаям ошади.

Боланинг ўзи китоб ўқиса, ўқиш тезлиги ошади, шеърларни ёд олиш қобилияти, оғзаки ва ёзма нутқи ривожланиб боради.

*Синф кутубхонасини ташкил қилиш яхши натижа беради.*

Ота-оналар фарзандларига аввало, эртақ, шеър, расми китоб ва тест тўпламларини олиб бериши мақсадга мувофиқдир. Тўрт-олти яшар бола тарбиясида эртақ алоҳида аҳамиятга эга. Муталаа асносида бола эртақдаги қаҳрамонлардек жасур, кучли, эпчил бўлишга, эзгу ишлар қилишга интилади. Одобли, хушфёъл, меҳнаткаш бўлиб улғаяди.

Бироқ бола ёши улғайгани сари дунёқараши ҳам кенгайиб боради. Фикри теранлашгани сайин, у энди эртақ, афсоналар оламидан чиқиб, йирик эпик асарларга эҳтиёж сеза бошлайди. Шунга кўра, унинг ёши, дидига мос китобларни олиб бериш зарур бўлади.

Болаларимизга энг яқин суҳбатдош, энг яхши дўст — китобни севишни ўргатайлик.

**Мопар ХАЙДАРОВА,**  
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ходимларнинг иш фаолияти ва йил якунларига бағишланган «Соғлом бола — маънавиятли бола» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

## КИТОБХОНЛАР УЧУН



### МИЛЛИОН

### ЖАВОҲИР

Эътироф этилганидек, бугунги кунда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, бутун Марказий Осиё минтақасида тугал ишлаб чиқариш циклига эга бўлган энг йирик газета-журналлар мажмуасидир.

1999 йилда Женевада бўлиб ўтган халқаро конференциянинг «Олтин юлдуз» мукофоти билан тақдирланган ушбу компания ўтган йили ISO 9001:2008 халқаро сифат сертификатини қўлга киритган. Бу эса халқаро истеъмол бозорида компаниянинг обрўси ва нуфузидан далолат беради. 2013 йилда «Шарқ» компанияси мамлакатимизда «Йилнинг энг яхши нашриёти» деб эътироф этилди.

Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш базаси Германия, Швеция, Япония ва Хиндистонда ишлаб чиқарилган матбаачилик машиналари ва ускуналари билан жиҳозланган. Айни пайтда ишлаб чиқариш базасини янада такомиллаштириш ва модернизациялаш изчил давом эттирилмоқда.

«Шарқ» компанияси бугунги кунда газета ва журналлар, дарслик, ўқув қўлланмалари, юксак даражадаги бадиий безакли юбилейбоп альбомларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, бадиий, болалар учун, илмий-оммабоп ва бошқа турдаги адабиётлар, кенг асортиментдаги ёзув-чизув, этикетка босма маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тезкор нашриёт ва матбаачилик хизматлари, китоб савдоси ҳамда катта ҳажмдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаряпти.

— Жорий йилнинг ўн ойи якуни бўйича компания томонидан 30 миллиард сўмлик босма маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, — дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов. — Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121 фоиз ўсишга эришилди, дегани. Жумладан, 9,3 миллиард сўмлик 75 миллион нусха газета, 1250 миллион сўмлик 1,08 миллион нусха журнал, 14,3 миллиард сўмлик 8,1 миллион нусха китоблар чоп этилди. 13 миллиард сўмлик 7,1 миллион нусха дарслик, 1,5 миллиард сўмлик 10 миллион нусха дафтар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Компания матбаачилик базасида 77 номдаги газета, 35 номдаги журналлар нашрдан чиқарилмоқда. Ёш авлоднинг юксак маънавиятли бўлиб тарбияланишида китобларнинг аҳамияти катта. Биргина Соғлом бола йили муносабати билан болалар учун йигирмадан ортик бадиий адабиётлар чоп этилди.

Шунингдек, анжуманда мазкур нашриётда 2014 йилда чоп этилган китоблар тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлар, китоб муаллифлари нашриёт, китоблар ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

## Taassurot

# Зийварнинг ширин забони...

... У йигирма олти ёшида қозоқ шоираси Қиз Менгаш билан баҳру байт айтишади. Икки халқнинг-да меҳмондўстлиги, очиққўнғил ва самимийлиги, миллий урф-одатларидаги муштараклик қуйма сатрларда ифодаланади.

...1857 йилда Бўзатовда бўлиб ўтган халқ галаёнини шоир ўзининг «Бўзатов» достонида батафсил ҳикоя қилади.

Мазкур воқеалар «Зийварнинг ширин забони» фильмидан олинди. «Ўзбекино» миллий агентлиги «Қорақалпоқ-фильм» киностудияси томонидан суратга олинган мазкур ҳужжатли фильмда, англагандирсиз, қорақалпоқ мумтоз

шоири, сўз заргари Ажиниёзнинг ҳаёти, бой ижодий мероси ва яшаган даври ҳақида ҳикоя қилинади.

Нукусда «Зийварнинг ширин забони» ҳужжатли фильми тақдироти бўлиб ўтди.

Зийвар тахаллуси билан қалам тебратган Ажиниёз ижоди ўзига хос. У ҳаётни поэтик образлар воситасида тасвирлайди. Шеърлари хал-

қона оҳангларга бой. Режиссёр Бектилеу Низаматдинов қаҳрамон руҳига мос тарзда фильмда «шеърый матн» услубидан фойдаланади. Шоир портрети ва воқеалар Ажиниёзнинг «Элларим бордур», «Кўзларинг», «Бормикан», «Бўзатов» асарлари билан «чизилади», жонланади.

— Бу Ажиниёз ҳақида суратга олинган биринчи фильм эмас, — дейди сценарий муаллифи Алписбой Султонов. — 1999 йилда «Зийвар» фильми экран юзини кўрганди. Ушбу фильм Ажиниёзнинг таржимаи ҳолига ўхшаб қолган. Бу галги фильмда эса Ўзбекистон Фан-

лар академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими архив фонди маълумотларидан фойдаланиб, шоирнинг асарлари орқали ўша давр воқеалари ҳамда қорақалпоқ адабиёти ҳақида томошабинда кенгроқ тасаввур уйғотишга ҳаракат қилдик.

Фильм Нукус туманида суратга олинди. Шунингдек, Қорақалпоқ ўлкашунослик музейида сақланган Ажиниёз асарларининг асл нусхаси, у фойдаланган асо ҳам фильм сюжетини бойитди. Ажиниёз ролини Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Дарибой

Хўжабергенов ижро этган.

— Шоир образини яратиш учун Ажиниёзнинг асарларини қайта ўқиб чиқдим, — дейди санъаткор. — Унинг шеърларига синган характери, ўзига хос табиатини ўргандим. Юриш-туриши ва хатти-ҳаракатларини эса Иброҳим Юсупов ёзган «Ажиниёз» либреттосидан ўзлаштирдим. Биласизми, фильм тайёр бўлгунча шоир бўлиб «яшадим». Ишонаманки, фильм томошабинларга албатта ёқади.

Фильм ўн уч дақиқа давом этади. Воқеаларни тасвирлашда киноижодкорлар қисқаликка интилган. Бироқ ана шу муддат ҳам фильм қаҳрамони тўғрисида томошабинга етарли тасаввур беради.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

## Biznesga ilk qadam



Ўтган йили Жарқўрғон академик лицейини тамомлаган ёш тадбиркор Зебинисо Холбоева айни пайтда ўзининг хусусий гўзаллик салониغا эга. Қўл ос-

тида бир қанча сартарош-усталар меҳнат қилмоқда. Тадбиркор қизнинг кейинги режалари ҳам катта.

— Фермер хўжалигини таш-

кил қилмоқчиман, — дейди у. — Сурхон — саховатли замин. Хўжалиқда томчилатиб сугориш технологияси асосида гўза етиштиришни мақсад қилганмиз. Бу усул бутун дунёда татбиқ этиляпти. Анча тежамкор ҳам. Фермерлик осон эмас. Бошланғич сармоя сифатида банк кредитидан фойдаланаман. Шу мақсадда бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасида иштирок этдим. Менинг бизнес режам энг яхшилар қаторида эътироф этилди. Энди кредитни имтиёзли шартлар асосида олишим мумкин.

Зебинисо жорий йилда «Юрт келажаги» кўрик-танловининг республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашди. Унинг кўёш энергияси ёрдамида дашт аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва чўл ҳудудида гўзани томчилатиб сугориш технологиясидан фойдаланишга қаратилган илмий лойиҳаси рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмаси йўналишида голиб топилди.

**Наргиза БАҲОДИРОВА**



## ШАМ ИБРАТИ

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўз шоғирларига шундай насиҳат қиларди: «Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл».

## ҲАЗРАТИ ХОЖА ВА ШАРБАТФУРУШ

Нақшбанд бозорда кетиб борарди. Кўзада шарбат сотиб юрган бир одамни кўриб қолди ва унга етиб олиб, ҳассаси билан бир уриб кўзасини синдириб юборди. Шарбатфуруш бундан норози бўлди, унинг атрофидагилар ҳам бунга қўшилди. Аммо диққат билан қараганларида кўзадаги шарбат ичида бир сичқоннинг ўлиб ётганини кўрдилар.

Хожа индамасдан ўз йўлида давом этди.

## «ШАЙХ АЛОУДДИННИ БЎРИ ЕБ ҚЎЙМАСИН»

Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожа ўзининг ёш, ҳали тажрибасиз шоғирди Хожа Алоуддинни ўз олдида кўп тутар эди. Бу ҳақда ёронлар савол қилганларида: «Уни бўри емасин деб олдимга ўтқазаман. Унинг бўри нафси доим пистирмадаур. Ҳар лаҳза унинг ҳолидан хабар оламан, то менга унинг ҳоли билиниб турсин!» — деб жавоб қилди.

(«Ривоятлар ва ҳикоятлар» китобидан)

## «Kamolot» loyihalari

## «ЭКОХОНаДОН» АКЦИЯСИ



«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан бошланган «Ёшлар эко ҳаётни танлайди» лойиҳаси доирасида Ҳаракатнинг Хоразм вилояти кенгаши «Экохонадон» акциясини ўтказди.



Икки босқичда бўлиб ўтган акциянинг дастлабки босқичида Ҳаракат фаоллари Урганч шаҳридаги «Камолот», Урганч туманидаги «Мевазор»

маҳаллаларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, жисмоний имконияти чекланган болалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиб,

энергия тежайдиган лампочкаларни бепул тарқатди. Хонадон эгаларига бундай ёриткичларнинг афзаллиги ҳақида маълумот берилди.

Урганч маданият ва санъат коллежида «Экохонадон» акциясининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Вилоятдаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Ёшлар эко ҳаётни танлайди» шиори остида «Кувноқлар ва зукколар» беллашуви ҳамда эстрада хонандалари иштирокида концерт ташкил этилди.

Акцияда фаол қатнашган йигит-қизлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Ибрат ҚУРБОНОВ,**  
«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши бўлим мудири

## Mutaxassis o'goh etadi

## МАҲАЛЛАНING МАДАДИ ЗАРУР

Фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари билан соҳа мутахассислари ўртасида ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш лозим. Негаки, ёнгин билан боғлиқ нохуш вазиятлар юз бермаслиги учун жойларда тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса, табиийки, маҳалла фаолларининг ёрдами яхши самара беради. Шунингдек, ноқонуний тарзда, хавфсизлик қоидаларига риоя

қилмай газ ва электр тармоқларидан, носоз ёки қўлбола жиҳозлардан фойдаланаётган фуқароларни аниқлаб, уларга тегишли жазо чораларини кўришда ҳам шу ҳудуддаги хонадонлар жойлашувини яхши биладиган, аҳолини яхши танийдиган маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, маслаҳатчилари, посбонларининг кўмаги зарур бўлади.

Ақсарият ҳолларда баъзи маҳаллалар ҳудудида ноқонуний тарзда қурилган уйлар, кўчаларга ўрнатилган бетон, темир тўсиқлар, қолаверса, буталмаган дарахт шохлари фавқулодда вазиятлар чоғида ёнгин ўчириш автоуловларининг воқеа жойига етиб боришига тўсқинлик қилади. Маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда фуқароларга ёнгин хавфсизлиги қоидалари ҳақида тушунча бериш билан бирга ёнгинли ўчиришга тўсқинлик қилаётган шу каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

**Қутбиддин Насриддинов,**  
9-ҲЕХО 13-ҲЕХ АП кичик инспектори, катта сержант



Кўчма маънода қўлланилганда умумий тарзда ўлчов, мезонни англатадиган «барометр» сўзи аслида бир асбобнинг номидир. Айтинг-чи, у билан нима ўлчанади?

Жавобингизни 2 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**  
**Пашакаал.**

Тошкент шаҳридан Жавоҳир Турсунов тўғри жавоб йўллади.

## Тлафаккур қилмондан бир қатра

Бугун Оврупада ишқ отини олган ҳоллар ҳайвонлик ҳавасларидан бошқа нарса эмасдир. Оврупада ишқ деб тикилган у ҳайвонлар ҳаваси киши камолига сабаб бўлмас, кимсанинг руҳини юксалтирмас.

**Абдурауф Фитрат**

